

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 20

2022 йил 12. Абт-сі

Хұжайли тумани

Хұжайли тумани Ободонлаштириш бөшкәрмаси номидан Устав асосида иш күрүвчи раҳбар Т.Таджимуратов бир томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан ва МЧЖ “GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI” номидан Устав асосида иш күрүвчи раҳбар И.Исакбаев иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан, Хұжайли тумани Бунеткор МФЙ куча ёритгичларини жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

Ижро хужжатлари - натурада бажарилған ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булған шахслар томонидан уларга киритилған узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргалиқда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатылған асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланылған материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланғанлығы тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинған асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилған бошка хужжатлар;

Курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилған ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади.

Вактингчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатылдиган ва ишларни бажариш учун зарур булған хар кандай типдаги вактингчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилғандан кейин аниқлаш мүмкін булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг хар бир боскични ва (ёки) турлари кийматини аник белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Хұжайли тумани Бунеткор МФЙ куча ёритгичларини жорий таъмирлаш** буйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига курилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар киймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва эркин танлов комиссиясининг карори 2022 йил 02. 08 кунги (**Лот №131350**) билан тасдикланған ишлар киймати барча солиқлар, ийғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан КҚС билан 61 826 086,95 сўм (Олтмиш бир миллион саккиз юз йигирма олти минг саксон олти сўм) 95тийин **Хұжайли тумани Бунеткор МФЙ куча ёритгичларини жорий таъмирлаш** буйича курилиш ишларини бажариш учун жами 474 000 000 (Турт юз етмиш турт миллион) сўмни ташкил этади. (Пудратчи И.Исакбаев)

5. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиш мумкин эмас. Куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш муддатини купайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб булганда;
- ишлар хажми Буюртмачи томонидан узгартырилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортикка узгартырилганда.

6. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага күшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг камида 50 фойзини узининг кучи ва (ёки) жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- 1-иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф-мухитни, утказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссик овкат билан таъминлаш;

- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бушатиш;

- курилиш майдонини куриклашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофик, хар хисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига хисобот топшириши лозим, акс ҳолда хисобот ойида 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фойзи миқдоридабуюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор килиш амалдаги конун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 фойздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

Пудратчи лоййҳа-смета хужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартыриш киритмайди. Агарда ўз ҳохиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета хужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бирой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан хар хисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида хисоб-фактура ва хисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларини молиялаштирумайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сумда» узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблаглари хисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган қурилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 60 кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома буйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. Туловлар ва хисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс утказади, топширилган иш хажми тулик бажарилгандан сунг колган 70 % маблаг тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, хар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб колишни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 95 фоизигача тўлов амалга оширилади.

-Мазкур шартномада белгилантан объектнинг 5 фоизлик маблағи 1 йиллик кафолат муддати тамом булгандан кейин, тегишли хужжатлар тағдим қилинганинан сўнг амалга оширилади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хакида конун хужжатларида белгилантан тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартришлар киритиш

хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун халтулашдан озод килинмайды.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи түлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайды.

VIII. Ишларни бажариш

22. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртчининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофикалигини текширади.

23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

24. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайда булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

25. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бандида курсатилган муддатлар билан мувофикалаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

28. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.

29. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

30. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш укларининг мувофикалиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан амалга оширади.

31. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.

32. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

33. Пудратчи узи томонидан курилишда кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофик булишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини кафолатлайди.

34. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

35. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ кабул килиш далолатномалари хамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

36. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

37. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу хақда хабардор килмаган булса ёки кечикиб хабардор килинган булса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикипи окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулади.

39. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кучка полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чикариб ташлайди.

40. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудрачининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олинниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан бөглиқ тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикии түгрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилиш тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни куриклари.

41. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада куриклини таъминлади.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари.

43. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгіб булмайдыган кү холатлари амал күлгөн, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирған вактта мутаносиб равища узайтирилади.

44. Агар енгіб булмайдыган күч холатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан күп вактта чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

45. Агар томонлар 2 ой ичида келиша олмасалар у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш.

46. Курилиши тугулланган объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санаисида амалда булған белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилған барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарылғандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланған коидаларига биноан амалға оширилади.

47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги түгрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул килиш ишчи гурух далолатномасини беради.

Буюртмачи куриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул килиб олади.

48. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимиға мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланған таркибда 2 (иккі) нұсқада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарылған ишларға тулик мөс келишини ёзма равища тасдиклаши керак.

49. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул килинған кейин Буюртмачининг мұлкігі айланади.

XII. Кафолатлар.

50. Пудратчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларыда белгиланған муддатларда бажарылышини;

лойиха хужжатларига хамда курилиш меёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан курилиш учун кулланиладыган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларыда курсатылған сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатлы даврида аникланған камчиликтер ва нұксонларни уз вактида бартараф килишни;

объектдан фойдаланылғанда мұхандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолаттайтыны.

51. Объект ва унга кирадыган мұхандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатлы муддати томонлар курилиш тугалланған объектни қабул килиб олиш түгрисидеги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатлы муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатлы даврида аникланыб, улдар бартараф этилгүнга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдыган нұксонлар аникланас, у холда кафолат муддати нұксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нұксонлар Пудратчи томонидан унинг уз хисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нұксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг иккі томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

53. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларнитехириб чикиш «Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича хужалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор килиш.

54. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боялик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан 1 ойдан куп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатта купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

55. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боялик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатта тухтатиб куйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

56. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бирой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

57. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларидан ёки мазкур шартномада назарда тутилган холатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани конунда белгиланган тартибда бекор килиб, объектни бошка Пудратчига бериш буйича таклиф беради.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларидан хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, уз вактида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарн коплашдан озод килмайди.

62. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиклашдан асосиз равища бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи микдорида жарима тулайди.

63. Пудратчи объектни уз вактида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофик объектда хар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар кийматининг 5 фоизи микдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

65. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур муддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томониккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

66. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Низоларни хал этиш тартиби.

67. Шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек, етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Нукусуманлараро иктисадий суди томонидан куриб чикилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади..

69. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга булмайди.

70. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошка оралик бугинларнинг иштирокисиз факат шартнома асосида курилади.

Бунда хам моддий-техника ресурсларини узаро берган холда, хам улар берилмаган холда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта обьект қурилиши доирасида воситасининг иши хамда моддий-техника ресурсларини ташкарига реализация килиш деб хисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

71. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чикарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сакланиб колиниши шарти билан мустакил амалга оширилади.

72. Мазкур шартномага барча узгартериши ва күшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

73. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага күшимчалар ёки узгартеришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

74. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечикиришига хаклидир.

75. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

76. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзолаганиб худудий газначилик булинмаларидан руйхатдан утказилгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабря кадар амал килади.

77. Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эгадир.

XVII. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

78. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий харакатлар содир қилинмасликка келишиб оладилар.

79. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

80. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилимаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатлар амалга ошириши мумкунлиги хақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

81. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари хар қандай вакт ва шакилда қўйдаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди): а) назорат қиливчи ўргинлардан литсензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равища тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равища олинадиган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантирилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусуциятини, манбанини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий эгалик хукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширшга; д) коррупцияга оид хукуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш,

тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамд ваколатли давлат ўргинларини дархол ҳабардор қилиши шарт.

82. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказиша битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, литсензия, руҳсатномалар ва бошқа руҳсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахсларнга(шу жумладан, ёрдамчи пурратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукуқшунослари, хисобчилар, улар номидан харакат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйдаги харакатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий харакатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

83. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахслар тамонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги холатлари хақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийк ўтказилмаслигини кафолайдилар.

84. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 5.4 ва 5.5- бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хақда зудлик билан ҳабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга ҳабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар хақида ҳабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга хақли.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

БУЮРТМАЧИ:

Хўжайли
бошкармаси
Манзили: Хўжайли тумани, Дустлик
кучаси р/з уй

Банк: МБББ .ХККМ Ташкент ш.
Х/Р:23402000300100001010
МФО:00014 ИНН:~~204616441~~

Х/р:301821860352367065200110001
ОКЭД: ОКОНХ

Хўжайли Тумани Газначилик булимии

Рахбар:

Т.Таджимуратов



ПУДРАТЧИ:

ООО «GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI»

Манзили: Хўжайли Тумани , Дустлик
кучаси ракамсиз уй
Тел/Факс: +99891-301-00-87.

ИНН: 302657232
Банк: АКБ Капитал банк Нукус ш.

p/c: 20208000400239807003

ОКЭД:41202. МФО: 01038

Рахбар: И.Исакбаев



ХОJЕLI RAYONÍ ÁDILLIK BÓLIMI YURIDIKALÍQ XÍZMET KÓRSETIW ORAYÍNÍN YURIDIKALÍQ ÁHMİYETKE IYE HÚJJETLERDIÝ NÍZAM HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDAĞI HUQÍQÍY JUWMAĞÍ

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniý 29.06.2021-jılğıı PQ-5168-sanlı qararı menen tastıyıqlanǵan “Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayları haqqında”ǵı Rejege tiykarlanıp, Xojeli rayonı Abadanlastırıw basqarmasınıň CG34471356-sanlı hújjet joybarın huqıqıy ekspertizadan ótkerilgende tómendegiler

A N I Q L A N D I:

I. Joybar túri: Shártnama

II. Joybardıń ataması: 20-sanlı Pudrat shártnaması.

III. Joybardıń mazmuni: Shártnama joybarında 131350-lot boyınsha Xojeli rayonı Abadanlastırıw basqarması hám “GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI” JShJ ortasındaǵı Xojeli rayonı “Bunyodkor” MPJ aymaǵındaǵı kóshe jarıqışhaların jeńil ońlaw jumisların alıp barıw boyınsha jámi 470 000 000 (Tórt júz jetpis million) sum mügdarındaǵı 20-sanlı pudrat shártnaması düziliwi belgilengen.

IV. Joybardı islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat:

Shártnama Xojeli rayonı Abadanlastırıw basqarması tárepinen tárepinen islep shıǵılgan hám 2022-jıl 11-avgust kúni “E-huquqshunos” elektron sistemasına kirdizildi.

V. Joybardıń nízam hújjetlerine muwapiqlığı:

Shártnama joybarın úyreniw dawamında, Ózbekstan Respublikası Puqaralıq kodeksiniý (Xojalıq shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydarlar) 353-354 statyaları, (Pudrat shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydarlar) 631-655 statyaları, (Qurılıs pudrati haqqındaǵı ulıwma qaǵıydarlar) 666-685 statyaları, Ózbekstan Respublikasınıý 2021-jıl 22-aprel kúngi “Mámleketlik satıp alıwlari haqqında”ǵı 684-sanlı Nízamı, Ózbekstan Respublikasınıý 1998-jıl 29-avgust kúngi “Xojalıq júritiwshi subyektlər iskerliginiň shártnamalıq-huqıqıy bazası haqqında”ǵı 670-I-sanlı hám Ózbekstan Respublikası Prezidentiniý 2021-jıl 14-sentyabrdegi “Shártnamalıq qatnasiqlardı túpten jetilistiriw is-ilájlari haqqında”ǵı PF-6313-sanlı Pármanı hám de Ózbekstan Respublikası Ministrler Kabinetiniý 2022-jıl 20-may kúngi 276-sanlı qararı tastıyıqlamǵan “Mámleket satıp alıwlarin ámelge asırıw menen baylanıslı tártip qaǵıydarların shólkemlestiriw hám ótkeriw tártibi haqqında”ǵı Reje talapları tiykarında islep shıǵılganlığı anıqlandı.

Joqarıdaǵılardı esapqa alıp, huqıqıy ekspertizadan ótkeriw nátiyjelerine kóre

JUWMAQ:

Xojeli rayonı Abadanlastırıw basqarması hám “GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI” JShJ ortasındaǵı 20-sanlı Pudrat shártnaması ámeldegi nízam hújjetlerine muwapiq islep shıǵılgan hám shártnamanı dúziw **maqsetke muwapiq dep tabıldı.**

**Xojeli rayonı Yuridikalıq xızmet
kórsetiw orayı bas yuriskonsulti:**

2022-jıl 12-avgust



G.Faxratdinova

«ТАСТЫЙҚЛАЙМАН»
Хожели районы Абаданластырыу
баскармасы баслығы
Т.Таджимуратов
«_09_» _август_2022-жыл

Хожели районы Абаданластырыу баскармасы “Товар-материаллық запаслар хэм ислерди хызметлерди) сатып алыў бойынша таңлаў комиссиясы”ның ең жақсы уынысларды таңлат алыў бойынша откөрилген
—4—санлы мәжлис баянламасы

2022-жыл “09” _август_

Хожели районы

Катнасышылар
Комиссия баслығы
Комиссия ағзалары

(Ф.И.Ш)
А.Тилеуов
К.Абишов
У.Избасаров
О.Абдуллаев
А.Ешмуратов

(Лаұазымы)
бөлім баслығы
Бас есапшы
технадзор
Қәніге
қәніге

КҮН ТӘРТИБИ:

Хожели районы Абаданластырыу баскармасы - Таңлат алыў комиссиясы баслығы Т.Таджимуратов мәжлисте таңлаў комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам катнасып атырганлығын айтып өтип, таңлаў комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлаў комиссиясы хаткери таңлаў комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усынды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыўлар хакқында”ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда-Нызам) 58-статьясына мууапық ең жақсы усынысларды таңлат алыў откөрилийи хакқында арнаўлы информацион порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлат алыу катнасышыларыныңқабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпаши тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылған 2022 жыл 2-август күнги 22110012131350-санлы лот бойынша талқылау ушын мәмлекетлик сатып алыўлар порталына жайластырылған 2022-жыл 09-август күнги 1-баскыш электрон баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыўлар хакқында”ғы Нызамы талапларына хәмде жокары көрсетилген мағлыўматларды есапка алып Таңлаў комиссиясы

ҚАРАРЕТЕДИ:

1. Хужайли тумани Бунёдкор МПЖ худудида кучаларина тунги ёраткичларина жорий таъмирлаш жумысларын әмелге асырыў өткөрилген таңлат алыўда таңлат алыу хүжжетлеринде хәм таңлаў шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усынған хәм таңлат алыў женимпазы деп табылған "GOLDEN PRIDE KHUDJEYLI " ЖШЖ 474 000 000 сум (ККС пенен бирге) менен шартнама дүзилсін.

2. Женимпаз мекеме таңлат алыў шәртлери тийкарында шартнама дүзиўден бас тарткан жағдайда шартнама дүзиў хукуқы кейинги қатнасышы (резерв) етип, " ООО PROFI-MAX-NUKUS " ЖШЖ белгиленсін. Бунда женимпаз қатнасышы усыныс еткен суммасынан аспаған мұғдарда шартнама дүзиў мүмкінлиги белгилеп койылсын.

3. Мекеменин бас есапшысы-К.Абишов таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хүжжетлерин таярлау хамде шартнама дүзилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информацион порталына (www.etender.uzex.uz) жайластырылу тапсырылсын.

4. Таңлау комиссиясы хаткери (Н.Исламова), усы таңлат алыу тийисли барлық хүжжетлерди белгиленген тартипте сакланызын тамийнлесін.

Катнасышылар

Комиссия баслығы
Комиссия ағзалары

(R)
А.
У.
К.
О.
А.

А.Тилеуов

У.Избасаров

К.Абишов

О.Абдуллаев

А.Ешмуратов